



СОЛИҚ-БЮДЖЕТ СИЁСАТИ КОНЦЕПЦИЯСИГА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

И.ф.д. Нормурзаев Умид Холмурзаевич

Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекция солиқ бош инспектори

ORCID: 0009-0001-0130-8766

Umid.Normurzayev@soliq.uz

Аннотация. *Мазкур мақолада мамлакатда солиқ соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, бизнес доираларнинг ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни такомиллаштиришда ҳудудлараро солиқ инспекциясини ўрни ва аҳамияти ёритилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон солиқ тизимида ҳудудлараро солиқ инспекцияси амалга оширилаётган айрим муҳим ислоҳотлар ўрганилиб, хориж тажрибаси, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *солиқ сиёсати, солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усуллар ва воситалар, ҳудудлараро солиқ инспекцияси, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.*

ПРЕДЛОЖЕНИЯ И РЕКОМЕНДАЦИИ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ НАЛОГОВОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ К КОНЦЕПЦИИ НАЛОГОВОЙ БЮДЖЕТНОЙ ПОЛИТИКИ

Д.э.н. Нормурзаев Умид Холмурзаевич

*Главный налоговый инспектор Инспекции
по крупным налогоплательщикам*

Аннотация: *В данной статье описаны роль и значение межрегиональной налоговой инспекции в совершенствовании масштабных реформ, направленных на создание благоприятных условий для ведения предпринимательской деятельности в налоговых сферах в стране, дальнейшее укрепление доверия деловых кругов. При этом были изучены некоторые важные реформы, реализуемые межрегиональной налоговой инспекцией в налоговой системе Узбекистана, а также разработаны научно-практические выводы и предложения на основе зарубежного опыта и его применения в нашей стране.*

Ключевые слова: *налоговая политика, налоговые поступления, анализ, риски, эффективность, цифровая платформа, методы и инструменты, межрегиональная налоговая инспекция, анализ, оптимизация, налоговые льготы, налоговая ставка.*

PROPOSALS AND RECOMMENDATIONS ON THE IMPROVEMENT OF TAX ADMINISTRATION TO THE CONCEPT OF TAX-BUDGET POLICY

DSc Normurzaev Umid Kholmurzaevich

Chief Tax Inspector of the Inspectorate for Large Taxpayers

Abstract. *This article describes the role and importance of the interregional tax inspectorate in improving large-scale reforms aimed at creating favorable conditions for doing business in the tax sphere in the country and further strengthening the confidence of the business community. At the same time, some important reforms implemented by the interregional tax inspectorate in the tax system of Uzbekistan were studied, and scientific and practical conclusions and proposals were developed based on foreign experience and its application in our country.*

Key words: *tax policy, tax revenues, analysis, risks, efficiency, digital platform, methods and tools, interregional tax inspectorate, analysis, optimization, tax benefits, tax rate.*

Кириш.

Ўзбекистон солиқ тизимида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотлар кўпинча иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, инвестицияларни рағбатлантирадиган ва давлат функциялари учун етарли даромад йиғилишини таъминлайдиган янада самарали, шаффоф ва адолатли солиқ тузилмасини яратиш зарурати билан боғлиқ. Бундан ташқари, жаҳон амалиётида йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, йирик солиқ тўловчилар фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш, йирик солиқ тўловчиларга аудит ва солиқ назоратини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини тўлиқ бажариш, назорат функцияларини тармоқлар бўйича тузилмалаш, қондаларга биргаликда риоя этиш тамойилини амалга ошириш, солиқ тўлашдан бўйин товлашни тўхтатишнинг самарали механизминини ишлаб чиқиш масалаларининг долзарблиги уларнинг етарлича назарий ва норматив жиҳатдан ўрганилмаганлиги ва замонавий иқтисодий шароитда юқори амалий аҳамияти бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Федоров (2010) фикрича, “маъмурий юкни камайтирадиган ва йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаолигини рағбатлантирадиган солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этган, амалдаги солиқ имтиёзларини сезиларли даражада кенгайтирадиган ва тўлдирадиган ҳамда ўз инвестиция манбаларини кўпайтирадиган йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаолиятини солиқ орқали рағбатлантириш усуллари ва услубларини ишлаб чиққан, уларнинг самарадорлигини баҳолаган”

Майбуров (2007) “солиқ ислоҳоти солиқ тизимини тубдан ўзгартиришни давлат солиқ сиёсатининг янги мазмунига мослаштириш ” деб таъкидлайди.

Дементьева (2020) солиқ сиёсатини давлат иқтисодий сиёсатининг инъикоси эканлигини, у мустақил аҳамиятга эгаллиги ва солиқларнинг илмий назариясига асосланиши лозимлигини таъкидлайди. “Амалга оширилаётган солиқ сиёсатининг натижалари кўп жиҳатдан давлат ўз иқтисодий сиёсатига қандай тузатишлар киритишга мажбур эканлигини, солиқ тизимини қандай қуриш кераклигини белгилайди”.

Карп (2001) Солиқ сиёсати давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги умумий молиявий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, солиқ соҳасидаги давлат фаолияти концепцияси, солиқ механизми, солиқ тизимини бошқариш каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Ситникованинг (2001) фикрича, “консолидациялашган солиқ тўловчилар гуруҳига киритишда активларини тан олиш ёки махсус қайта баҳолаш зарур, гуруҳга киришдан олдин корхонанинг зарарларини ўтказиш тартиби ишлаб чиқилиши лозим, консолидациялашган солиқ тўловчининг молиявий-хўжалик фаолиятининг бир хил қийматга эга бўлган субъект сифатида халқаро эътироф этилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим”.

Дарькина (2019) йирик солиқ тўловчиларнинг хусусиятлари сифатида тўхталиб, “йирик солиқ тўловчиларга қуйидаги хусусиятлар хосдир: катта пул оқими, кенг қўламли ҳужжатлар айланмаси, соддалаштирилган тизим бўйича солиққа тортиладиган турли таркибий бўлинмаларнинг интеграциясидан фойдаланиш, мамлакат ичида ҳам, чет элда ҳам турли фирмалар билан ҳамкорлик мавжудлигидир”.

Тадқиқот методологияси.

Мақолани тайёрлаш жараёнида турли маълумотлар ва шарҳлардан фойдаланилган. Ушбу мақолада статистик таҳлил натижаларидан, солиқ тизимида ҳуқуқий манбаларнинг таҳлили амалга оширилган. Маълумотлар асосида солиқ сиёсатининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Солиқ сиёсати стратегияси орқали инклюзив ўсиш суръатларига эришиш, солиқ тизимида даромадларни ошириш қобилиятини ошириш ҳамда давлат харажатларининг барқарорлигини таъминлаш, ривожланаётган давлатларнинг фискал сиёсатини кучайтириш, адолатли ва инклюзив солиқ тизимини жорий этиш, солиқ сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришда рақамли платформалардан самарали фойдаланиш кабилар бу борадаги илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида янги мазмундаги стратегик мақсадларни белгилаб берувчи солиқ сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантириш, солиқ юкини камайтириб бориш, адолатли солиқ тамойилларига асосланган солиқ тизимини янада ривожлантириб бориш йўналишида сезиларли ислохотлар амалга ошириш бу борадаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу билан бирга бундай солиқ сиёсатининг самарадорлигини таъминлашда, ҳали ўз ечимини кутаётган илмий-амалий муаммолар ҳам мавжуд.

Хусусан, 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини табиий ва суюлтирилган газ билан барқарор таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида” (2021 йил 25 октябрдаги ПҚ-5267-сон қарорига асосан), 2021 йил 1 октябрдан бошлаб юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига импорт қилинган табиий газни реализация қилишда акциз солиғининг ноль фоизлик ставкаси белгиланган. Республикамизда ишлаб чиқилган табиий газга 20% ставка белгиланган.

Корхоналар томонидан табиий газ импорт қилишда ҳам, импорт қилинган газни реализация қилишда ҳам акциз солиғи тўланмаяпти. Ваҳоланки, импорт қилинган табиий газни истеъмолчиларга реализация қилишда қўлланиладиган таърифларда акциз солиғи суммаси киритилган.

Мазкур акциз солиғи суммаси истеъмолчилар томонидан тўланиб, бюджетга тўланмасдан қолмоқда. Бунинг ҳисобига бюджетга 1327,5 млрд.сўм акциз солиғи йўқотилди. Республика бўйича 2023 йил 6 ойда 2 312,7 млн.куб м газ импорт қилинган бўлса, 2024 йилнинг мос даврида 5242,6 млн.куб.м.ни ташкил этиб, 2,2 бараварга ошган. Ички бозорда газ ҳажми 2024 йил 1 ярим йилликда (16831,5) 2023 йил мос даврига нисбатан (18 846,9) 2 015,3 млн.куб (10,7%) камайган.

Амалиётда солиқ органлари томонидан импорт қилинган газ ва ички борзорда ишлаб чиқарилган газ реализация қилинганлигини аниқлашнинг умуман имконияти мавжуд эмас ва бунинг ҳисобига солиқ маъмурчилигида муаммолар сақланиб қолинмоқда. Шунингдек, Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига асосан импорт қилинадиган ва республикада ишлаб чиқариладиган товарлар учун акциз солиғи ставкалари бир хил бўлиши лозим.

Таклифимиз, Импорт қилинган табиий газни реализация қилишда акциз солиғининг фоизлик ставкасини жорий этиш. Импорт қилинган табиий газ учун қайси таклиф қабул қилинса ички борзорда ишлаб чиқарилган газга ҳам шу ставкани белгилаш таклиф этилади.

20% ставка сақлаб қолиш:

15% ставка жорий қилиш:

10% ставка жорий қилиш мақсадга мувофуқ бўлади.

2. Қонунчиликда мавжуд эмас. 2023 йил якунига кўра республикада 552,4 минг тонна газ конденсати қазиб олинган, 407,6 минг тонна газ конденсати 2,6 трлн сўмга импорт қилинган (1 кг нархи ўртача 6,5 млн сўмдан). 2024 йил январь-май ойларида 244,8 минг тонна газ конденсати қазиб олинган, 130,1 минг тонна газ конденсати 1,0 трлн сўмга импорт қилинган (1 кг нархи ўртача 7,9 млн сўмдан). 2022 йил 1 январдан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси табиий газга 3 баробар (30%), нефть (20%) ва газ конденсатига (20%) 2 баробар камайтирилиб ягона 10% қилиб белгиланди (2022 йилда бюджетга 538,1 миллиард сўм кам солиқ тушган).

Россияда 1 тонна учун 66 рубль, Украинада 0% акциз солиғи жорий қилинган. Саудия Арабистонида қазиб олинган ёки қайта ишланган маҳсулотлар ҳажмига қараб 50% дан 85% гача, БААда 9% корпоратив даромад солиғи тўланади.

Таклифимиз, Газ конденсатини ишлаб чиқариш ва импорт қилиш учун акциз солиғини жорий этиш (1 тонна учун 200 минг сўм) мақсадга мувофиқ.

3. Фойда солиғи бўйича Солиқ кодексининг 315-моддасига асосан банклар қонунчилик талабларига мувофиқ ташкил этилган захира фондларининг 80 фоизидан кўп бўлмаган миқдорини харажатлар таркибида акс эттиришга ҳақлиги белгиланган.

Жумладан, 36 та тижорат банкининг 25 тасида захира фондларига харажатлар 2022 йилда (15,4 трлн сўм) 2021 йилдагига (9,6 трлн сўм) нисбатан 5,8 трлн сўмга ёки 60 фоизга, 2023 йилда (19,8 трлн сўм) 2022 йилга (15,4 трлн сўм) нисбатан 4,4 трлн сўмга ёки 28,5 фоизга ошган. Хусусан, ТИФ “Миллий Банк” АЖнинг захира харажатлари 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 2 трлн сўмга ёки 69 фоизга, 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 2,8 трлн сўм ёки 57,7 фоизга ошган. Шунга ўхшаш, яъни захира харажатларининг кескин ошиши “Ипотека-Банк”, “Агробанк”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Бизнесни Ривожлантириш Банки” ҳамда “Туронбанк”ларида кузатилмоқда.

Ўз навбатида, ушбу тижорат банкларидан 12 тасида 2023 йил учун ҳисобланган фойда солиғи ҳам 2022 йилга нисбатан 753,6 млрд сўмга камайган. Европа давлатлари, Хитой ва Россия Федерациясида банкларнинг захира фондларини яратишга қилинган сарфларига солиқ солиш мақсадларида чекловлар ўрнатилган. Бундан ташқари, Чехияда банклар захира яратишга йўналтирилган харажатларни кредитлар бўйича дебитор қарздорликнинг 2 фоизидан, Финляндияда 0,6 фоизидан, Францияда 5 фоизидан, Италияда 0,3 фоизидан, Польшада 1,5 фоизидан, Испания ва Хитойда 1 фоизидан кўп бўлмаган миқдорида солиқ солинадиган фойдадан чегиришларига йўл қўйилади.

Марказий банкдан кредитларга оид маълумот тақдим этилмаганлиги сабабли солиқ органларида кредитлар бўйича яратилган захира харажатларини назорат қилиш имкони мавжуд эмас. Грецияда банклар солиқ солиш мақсадларида ажратилган йиллик ўртача кредитларнинг 1 фоизини резерв сифатида чегиришга ҳақли.

Таклифимиз банклар томонидан захира фондларига ажратмаларни қонунчиликда назарда тутилган тартибда жами даромаднинг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда харажатлар жумласига киритилишини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

4. Трансмиллий рақамли корпорациялар (Facebook, Amazon, Google ва бошқалар) Ўзбекистонда жисмоний шахсларга электрон хизматлар кўрсатишдан олинган даромаддан солиқ тўламайди. Шу билан бирга, 2020 йилдан бошлаб бундай корпорациялар учун Ўзбекистонда ҚҚС тўлаш мажбурияти юкланди.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида рақамли фаолиятни бевосита солиққа тортиш қўлланилмоқда. Шунга ўхшаш солиқ Франция, Испания, Италия, Буюк Британия, Австрия, Венгрия, Туркияда амал қилади. Бу ставка ўртача 2% дан 7,5% гача ташкил этади. Маҳаллий тадбиркорлик субъектлари учун шарт-шароитларни тенглаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатмаётган корхоналардан бюджетга қўшимча солиқ тушумларини таъминлаш мақсадида мазкур солиқни жорий этиш таклиф этилмоқда. Ўзбекистонда жисмоний шахсларга электрон хизматлар кўрсатишдан даромад оладиган трансмиллий рақамли корпорациялар (Facebook, Amazon, Google ва бошқалар) 2023 йилда 40 та, 2024 йил 1 ярим йилликда 60 тани ташкил этган.

Мазкур корхоналарнинг Ўзбекистонда жисмоний шахсларга электрон хизматлар кўрсатишдан олган айланмаси 2023 йилда 632 млрд сўм, 2024 йил 1 ярим йилликда 442 млрд сўмни ташкил этган. 2023 йилда 70,8 млрд сўм ва 2024 йил 6 ойлигида 48,4 млрд сўм ҚҚС тўлаган, йил якунигача 58,0 млрд сўм ҚҚС қўтилмоқда. Ушбу корхоналарга ҚҚС ҳисоботининг соддалаштирилган шакли ишлаб чиқилган бўлиб, унда фақат 1 та устунга кўрсатилган хизматлар қийматини ойлар кесимида киритиш талаб этилади. Қолган устунлар автомат тарзда шаклланади.

Таклифимиз Ўзбекистонда жисмоний шахсларга электрон хизматлар кўрсатишдан даромад оладиган трансмиллий рақамли корпорациялар (Facebook, Amazon, Google ва бошқалар) учун 5 фоиз солиқ ставкасида фойда солиғини жорий этиш. Бунда ҚҚС ҳисоботи каби соддалаштирилган тартибда фойда солиғи ҳисоботларини тақдим этиш жорий этилади.

5. Солиқ кодексининг 411-моддасида солиқ солиш объекти белгиланган бўлиб, кредит ташкилоти томонидан қарзни сўндириш ҳисобига сотиш мақсадида ундирилган мол-мулк (гаров мол-мулки) солиқ солиш объекти сифатида қаралмаган. Шу сабабли, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобига “Кредит ташкилоти томонидан қарзни сўндириш ҳисобига сотиш мақсадида ундирилган мол-мулк (гаров мол-мулки) товар ҳисобланади, шу муносабат билан мол-мулк солиғи бўйича солиқ солиш объектида ҳисобга олинмаслиги керак, кредит ташкилоти томонидан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган гаров мол-мулки бундан мустасно” деган мазмундаги изоҳ киритилган.

Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича қарздорликларни қоплаш эвазига банк балансида қабул қилинган мулкларнинг жами суммаси 1,2 трлн сўмни ташкил этади. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича ушбу объектлар солиқ базаси сифатида қаралмасдан келинмоқда, бироқ кўчмас мулк объекти жойлашган ер участкаси майдони юридик шахсларнинг ер солиғи базаси сифатида қаралиб солиққа тортилади. АҚШ, Германия, Япония, ва Буюк Британияда банк гаров мол-мулкини ўз балансида киритгандан сўнг мол-мулк солиғи тўловчи ҳисобланади.

Таклифимиз эса, кредит ташкилотлари томонидан гаровга олинган мол-мулкни Кадастр органларида давлат рўйхатидан ўтказиш ва балансида акс эттириш ҳамда мулк ҳуқуқи ўтган ойдан мол-мулк солиғини тўлашини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

6. Солиқ кодексининг 411-моддасига асосан, қурилиши тугалланмаган объектлар мол-мулк солиғининг солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади. Бироқ, қурилиши

тугалланмаган объект деганда - лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар кириши назарда тутилган. “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қонунга асосан бинолар, иншоотлар, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар давлат рўйхатидан ўтказилади.

Бугунги кунда қурилишни яқунлаш муддатлари қатъий белгиланмаганлиги сабабли юридик шахслар томонидан солиқдан қочиш мақсадида қурилиш муддатларини бир неча йилга узайтириб юриш ҳолатлари аниқланмоқда. Мол-мулк солиғи ҳисоботлари тўлиқ автоматлаштирилганлиги сабабли, Солиқ кодексининг 133-моддасига мувофиқ Кадастр агентлиги ва юридик шахслар томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан қурилиши тугалланмаган объектларга 5 987 та ҳолатда 254,7 млрд.сўм мол-мулк ва 6 463 та ҳолатда 96,0 млрд.сўм ер икки карра оширилган солиқ ставкада солиқ ҳисобланди. Кадастр агентлиги томонидан 12 221 та қурилиши тугалланмаган объектлар тўғрисида маълумот тақдим этилган бўлиб, шундан 1 023 таси (8,4%) 1 йил, 1 573 таси (12,9%) 2 йил, 2 213 таси (18,1%) 3 йил, 1 767 таси (14,5%) 4 йил, 1 391 таси (11,4%) 5 йил ва 4 254 таси (34,8%) 6 йилдан ортиқ муддатдан буён давом этмоқда.

Мисол учун, Тошкент шаҳрида жойлашган “А” МЧЖга тегишли бўлган қурилиши тугалланмаган объектда лойиҳа-смета ҳужжатларига бир неча бор ўзгартириш киритиш орқали қурилиш муддати узайтирилган. Натижада, бюджетга ҳисобланиши лозим бўлган 1,0 млрд сўм (энг кам қиймат асосида) мол-мулк солиғи тўланмасдан қолган. Республика бўйича юридик шахсларга тегишли 2 525 та ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган 8 347 та қурилиши тугалланмаган объектлар Кадастр органларидан давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб мулкдорларига эгалик ҳуқуқи берилган. Бироқ ушбу объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича қурилиш муддати мавжуд бўлганлиги сабабли мол-мулк солиғига тортилмасдан қолмоқда. Россияда қурилиши тугалланмаган объект давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг унга нисбатан мол-мулк солиғи ҳисобланиш бошланади. Бу ўз навбатида объектларни ишга тушурилишини жадаллаштиради.

Таклифимиз ваколатли органнинг рухсатномаси олинган ойдан бошлаб 24 ой ичида қурилиши тугалланмаган объектларга мол-мулк солиғини белгиланган энг кам қийматдан паст бўлмаган ҳолда ҳисоблаш тартибини жорий қилиш лозим.

7. Ер солиғи бўйича Солиқ кодексининг 133-моддасига асосан Кадастр органлари томонидан тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси, уларнинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисидаги ахборотни солиқ органларига реал вақт режимида электрон шаклда тақдим этади. 429-моддага асосан ер майдонларидан ҳужжатларсиз ёки ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг 4 баравари миқдорида белгиланади.

Кадастр органлари томонидан маълумот тақдим этилмаса солиқ органлари томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича солиқ ҳисоблаш механизми мавжуд эмас.

Хусусан, 2023 йилда 11 мингта корхонага ноқонуний эгалланган 1,5 минг га ер майдонига нисбатан 152 млрд сўм, 2024 йил 1-ярим йилликда 12,2 мингта корхонага 2,0 минг га ер майдонига нисбатан 223,2 млрд сўм миқдорида 4 баравар оширилган ставкада ер солиғи ҳисобланган.

Мисол учун, Тошкент туманида фаолият кўрсатувчи “М” ХКнинг 2,3 га ноқонуний эгалланган ер майдони бўлиб, 4 карра оширилган ставкада 486,5 млн сўм солиқ ҳисобланган ва 264,4 млн сўм тўланган. Бугунги кунда Кадастр агентлигининг ҳудудий бўлимларида 2 тадан 4 тагача ходимлар фаолият кўрсатади. Туман ва шаҳарлардаги мавжуд ер майдонларидаги ўзгаришлар ва ўзбошимча эгалланган ер майдонларини аниқлаш учун ресурслар етарли эмас. Шу сабабли, солиқ органлари томонидан ер майдонларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда ер солиғини

белгиланган солиқ ставкаларининг 10 баравари миқдорида ҳисоблаш таклиф этилмоқда. Бу ўз навбатида таъсирчан солиқ механизмини қўллаш орқали мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Таклифимиз, солиқ органлари томонидан ер майдонларидан ҳужжатларсиз ёки ҳужжатда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда юридик шахслардан олинadиган ер солиғини белгиланган солиқ ставкаларининг 10 баравари миқдорида ҳисоблаш тартибини жорий қилиш лозим.

8. Солиқ кодексига асосан, айланмадан олинadиган солиқ тўловчилар учун асосий ставка 4 фоиз, чакана савдо соҳасидаги солиқ тўловчиларга жойлашган жойига қараб 4, 2, 1, улгуржи ва чакана дорихоналарга аҳоли сонига қараб 3, 2, 1 ва электрон савдо учун 2 фоиз ставка белгиланган. Қатъий белгиланган суммадаги айланмадан олинadиган солиқ бўйича солиқ ставкаси жами даромади 500 миллион сўмдан ошмаган солиқ тўловчилар учун 25 миллион сўм, жами даромади 500 миллион сўмдан юқори бўлган солиқ тўловчилар учун эса – 34 миллион сўм белгиланган.

Қатъий белгиланган суммадаги айланмадан олинadиган солиқ бўйича солиқ ставкаси жами даромади 500 миллион сўмдан ошмаган солиқ тўловчилар учун 25 миллион сўм, жами даромади 500 миллион сўмдан юқори бўлган солиқ тўловчилар учун эса – 34 миллион сўм белгиланган.

Қатъий белгиланган суммадаги АОСни тўлаш солиқ тўловчилар учун даромад мавжудлиги ва юқори солиқ юкидан қатъий назар, ушбу солиқни тўлаш мажбурияти мавжудлиги сабабли қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Хусусан, қатъий белгиланган суммадаги АОСни тўлашга ўтган 61 минг солиқ тўловчидан 6,6 минг ёки 11 фоизи ўз фаолиятини тўхтатганлиги сабабли бюджетга йилига 104,6 млрд сўм даромад йўқотилишига олиб келмоқда. Мисол учун, “R” МЧЖ 2022 йил декабрда ташкил этилган ва 2023 йилдан АОСни қатъий белгиланган ставкада тўлашга ўтгандан ва 19,0 млн сўм солиқ тўлаган ва 2023 йил июнда ихтиёрий тугатишга ариза берган. Қатъий белгиланган суммадаги АОСни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар жорий йил охиригача стандарт айланмадан солиқни тўлашга қайтишга ҳақли эмас, бу эса ўз навбатида солиқ тўловчиларнинг молиявий ҳолатига ҳам салбий таъсир қилади. Аксинча даромади ошиб бориши натижасида ҚҚСга ўтиши керак бўлган солиқ тўловчилар даромадни яшириш орқали қатъий белгиланган суммадаги солиқни тўлашга ўтмоқда.

Мисол учун, “С” ХКнинг 2023 йил май ойига қадар товар айланмаси 521,0 млн сўмни ташкил этган ва йил якунига қадар ҚҚСга ўтиш эҳтимоли бўлганлиги сабабли АОСни қатъий ставкада тўлашга ўтган (йил якунида товар айланмаси 999,9 млн сўм бўлган). Ҳиндистон ва Латвия тажрибасида айланмадан олинadиган солиқнинг ягона ставкаси 8% ва 9% бўлиши назарда тутилган.

Солиқ тўловчилар қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашга ўтишида 5-тоифадаги туманларда фаолият юритувчи солиқ тўловчилар қатъий белгиланган суммадаги солиқ тўлашга ўтиш самарадорлиги паст. Солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш, қатъий белгиланган суммада солиқ тўлаш режимини танловчилар сонини кўпайтириш, 5 тоифадаги туманлар учун имконият яратиш ва солиқ тўловчиларнинг эътирозларини камайтириш мақсадида киритилмоқда. Бугунги кунда солиқдан қочиш мақсадида товар айланмасини амалга ошириб Қатъий солиқдан ҚҚСга ўтиш ва фаолиятини тўхтатиш ҳолатлари кўпаймоқда. 2023 йилда 6 272 та солиқ тўловчилар томонидан 10 069, 7 млрд сўмлик товар айланмаси амалга оширилиб, ҚҚС тўлашга ўтилган (1 млрдгача бўлган қисми бўйича АОС тўланмаган) ёки фаолияти тўхтатилган, натижада 174,3 млрд сўм бюджетга йўқотиш бўлган.

Таклифимиз эса 1-қатъий белгиланган суммадаги айланмадан олинadиган солиқ тўлаш тартибини бекор қилиш.

2-қатъий белгиланган суммадаги АОС тўлаш тартиби сақлаб қолинса:

1. Ставкаларни ҳудудлар кесимида қуйидагича белгилаш таклиф этилади: Жами даромади беш юз миллион сўмдан ошмаган солиқ тўловчилар учун: аҳолиси сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда - 25 млн сўм;

бошқа аҳоли пунктларида - 10 млн сўм;

5-тоифадаги туманларда - 5 млн сўм.

Жами даромади 500 миллион сўмдан юқори бўлган солиқ тўловчилар учун 34 миллион сўм солиқ ставкаси сақланиб қолинади. Бундан ташқари, 1 млрд сўмгача товар айланмасини амалга ошириб ихтиёрий ёки бошқа корхонага қўшиш йўли билан тугатилаётганда товар айланмасидан 4% АОС тўлаш тартибини белгилаш лозим.

9. Трансферт нархни белгилашда солиқ назорати бўйича Солиқ кодексининг 137-моддасида солиқ текширувлари – камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудити турларида ўтказилиши белгиланган.

Трансферт нархни белгилашдаги солиқ назорати назорат қилинадиган битимлар тузилганлиги муносабати билан солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланишини текширишни ўз ичига олган ҳолда Солиқ кодексининг 176-202-моддалари билан тартибга солинади.

Мазкур текширув Солиқ назоратининг алоҳида тури бўлиб, уни камерал, сайёр ёки солиқ аудити доирасида ўтказиб бўлмайди. Солиқ кодексини турли талқин қилинишини олдини олиш мақсадида 137-моддада белгиланган солиқ текширувларининг турларига ушбу текширувни қўшиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Трансферт нархлар шаклланиши борасида назорат қилиниши лозим бўлган битимлар 2022 йилда 5182 субъектда 101,6 трлн сўмни ва 2023 йилда 7 501 та субъектда 192,9 трлн сўмни ташкил этган. Таҳлил натижалари мазкур субъектларда 2022-2023 йилда амалга оширилган битимлар бўйича трансферт нархлар шаклланиши натижасида жами 1,2 трлн сўмдан ортиқ фойда камайтирилганлиги (харажатлар оширилганлиги) хавфи аниқланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан Солиқ кодексининг 137-моддасида 3 хил текширув тури мавжуд деган ваз билан мазкур текширув турини “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш рад этилмоқда. Натижада, 2022 йил 1 январдан буён трансферт нархлар шаклланиши борасида бирорта солиқ текшируви ўтказилмади.

Таклифимиз трансферт нархни белгилашда солиқларнинг тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши текширувини солиқ текшируви турлари сифатида белгилаш.

10. Трансферт нарх белгиланиши резидент юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойда суммаси камайишига сабаб бўлади. Бу эса, тақсимланмаган фойда суммаси камайиши ҳисобига дивиденд солиғи ҳисобланмаслигига олиб келади. Хорижий сармояли корхоналар томонидан 2022-2023 йилда амалга оширилган назорат қилинадиган ташқи савдо битимларида трансферт нархлар шаклланиши юзасидан ўтказилган таҳлиллар натижасида жами 1,8 трлн сўмдан ортиқ фойда камайтирилганлиги (харажатлар оширилганлиги) хавфи аниқланган. Мазкур амалиёт Россия, Қозоғистон ва Украина қонунчилигида кўзда тутилган. Бундан ташқари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг тавсияларида ҳам ўз аксини топган.

Таклифимиз назорат қилинадиган ташқи савдо битимлари доирасида трансферт нархнинг белгиланиши натижасида олинмаган даромад ёки оширилган харажат суммасини фойда солиғининг базасига олиб боришга қўшимча равишда дивидендга ҳам тенглаштириш керак.

11. Солиқ имтиёзлари бекор қилиш бўйича ПҚ-104-сон (27.01.2022й), ПҚ-3356-сон (25.10.2017й), ПҚ-15-сон (10.01.2024й), ПҚ-3651-сон (05.04.2018й), ВМҚ-279-сон (30.09.2015й), ПФ-5326-сон (03.02.2018й), ПҚ-4803-сон (11.08.2020й), ПҚ-2807-сон

(01.03.2017й), ПҚ-143-сон (26.02.2022й) солиқ имтиёзлари назард тутилган (www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси).

Хусусан 2024 йил 1-ярим йиллигида (Солиқ кодексидан ташқари) 135 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан, имтиёзлардан фойдаланилган бўлиб, шундан 20 таси самараси паст кўрсаткич қайд этилган. Маълумот учун: Солиқ имтиёзлари самарадорлиги иқтисодий, ижтимоий ва бюджет кўрсаткичларидан келиб чиқиб баҳоланган.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан 2024 йил 6 ойи давомида 25 921 та корхона томонидан 2,5 трлн сўм имтиёздан фойдаланилган. Мазкур 20 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганиб чиқилганда 11 таси (2,1 трлн сўмлик фойдаланган имтиёз) стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга деб топилди, қолган 9 та (381,7 млрд сўмлик фойдаланган имтиёз) солиқ имтиёзлари самарасиз деб баҳоланди.

Мисол учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3651-сон қарори 9-банд 3-хатбошиси давлат-хусусий шерикчилиги шартларида ташкил этилган мактабгача таълим нодавлат муассалари ўз фаолиятини амалга ошира бошлангандан кейин ўн йил мобайнида барча турдаги солиқларни тўлашдан озод қилиш белгиланган. Маълумот учун: Очиқ маълумотларга кўра мактабгача таълим йўналишида 2016/2017 ўқув йилида 5 138 та (шундан 198 таси НТТ), 2022/2023 ўқув йилида эса 8 412 та (63,0% ўсиш жами йўналишга нисбатан) (2 189 та НТТ (11 баробар ўсиш жами йўналишдаги НТТга нисбатан) ташкилотлар фаолият юритмоқда. Ушбу кўрсаткич умумий ўрта таълимда (2016/2017 й.) 9 719 та (26 та НТТ), (2022/2023 й.) 10 522 тани (8,2%) (194 та НТТ (7,4 баробар)) ҳамда олий таълимда (2016/2017 й.) 70 та (1 та НТТ), (2022/2023 й.) 191 тани (2,7 баробар) (42 та НТТ (42 баробар)) ташкил қилмоқда.

Таклифимиз эса, мазкур солиқ имтиёзлари самарасиз деб баҳоланган ва бугунги кунда долзарблигини йўқотган 9 та солиқ имтиёзларини бекор қилиш мақсадга мувофиқ бўлади рақобат муҳити шаклиланади.

12. Солиқ кодексини 483-моддаси ўн еттинчи, йигирманчи қисмлар, йигирма бешинчи қисм иккинчи-учинчи хатбошилари, ПҚ-3435-сон (13.12.2017й), ПҚ-214-сон (21.04.2022й), ПҚ-3989-сон (30.10.2018й) ва бошқалар (рўйхат илова қилинади) солиқ имтиёзлари назарда тутилган.

Жумладан, 27 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан берилган солиқ имтиёзларининг амал қилиши 2024 йилда яқунланади. Хусусан, Солиқ кодекси 483-моддаси 20-қисмига асосан чакана савдо, умумий овқатланиш ва бошқа хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари – 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги ставка бўйича тўлаши белгиланган. Ушбу имтиёз туридан жами 36 736 та субъектлар фойдаланган бўлиб, шундан 2024 йил 6 ойда 17 110 та (46,7%) субъектда ходим сони умуман ўзгармаган бўлса, 5 806 та (16%) субъектда (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан) ишчилари сони аксинча 30 800 тага камайган. Аслида имтиёз хизматлар соҳасида ишчилар сонини ошириш мақсадида берилган бўлсада, бу имтиёздан асосий фойдаланувчи “А” МСНҲ ХК бўлиб, индивидуал хусусиятга эга бўлиб қолмоқда.

Мисол учун: “А” МСНҲ ХК 2022 йилда 35,8 млрд сўм (жами фойдаланувчига нисбатан улуши 11,8%), 2023 йилда 72,2 млрд сўм (11%), 2024 йилда 50,0 млрд сўм (11%) (жами: 158 млрд сўм ўртача 12,6 млн.АҚШ доллар) миқдорда имтиёздан фойдаланган. Маълумот учун: Осиё тараққиёт банки (ОТБ) 2021 йил декабр ойида пандемиядан кейинги чидамлилигини ошириш, 4 400 та янги иш ўрнини яратиш ва бошқа мақсадлар учун 3 йилга 12 млн АҚШ доллари миқдорда кредит ажратган.

Таклифимиз муайян давр мобайнида фойдаланиб келинган ва 2024 йилда муддати яқунланадиган 27 та (8 та Солиқ кодекси, 4 та Президент Фармони, 14 та Президент қарори 1 та ВМ қарори) солиқ имтиёзлари (77та ID) муддатини узайтирмаслик.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тенг рақобат муҳитини яратиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш чора-тадбирларини давом эттириш, шу жумладан солиқ тўламаслик хавфи юқори бўлган солиқ тўловчилари учун қўшимча чекловлар ўрнатиш тизимини жорий қилиш керак.

Адабиётлар:

Davlat soliq qo'mitasi ma'lumotlari. www.soliq.uz.

Normurzaev U. (2021) Analiz effektivnosti nalogovyx lgot i preferensiy v podderjke opredelennyx sektorov s selyu dalneyshego povysheniya investitsionnoy privlekatelnosti v Uzbekistane // *Ekonomika i obrazovanie*, (6). – С. 82-86.

Normurzaev Umid Xolmurzaevich (2024) O'zbekistonda tadbirkorlik subyektlarining barqarorlik reytingini joriy etilishi va undagi asosiy o'zgarishlar tahlili. *Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot: № 4: «Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot» jurnali*

Normurzaev Umid Xolmurzaevich, (2024) O'zbekiston Respublikasining 2024-yilgi soliq qonunchilik hujjatlariga kiritilgan asosiy o'zgarish va soliq imtiyozlari berish tartibini takomillashtirish masalalari, *Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot: Tom 1 № 1: «Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot» jurnali*

www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси

Дарькина Ю.А. (2019) Особенности налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. *Interactive science*. 3 (37).

Дементьева Н.М. налоговая политика государства. https://nsuem.ru/science/publications/science_notes/issue.php?ELEMENT_ID=1689,

Камалнев Тимур Шамильевич (2009). Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва.

Карп М.В (2001) *Налоговый менеджмент: Учебник для вузов.* – М.: Юнити-дана, -39 с.

Кенэ (1993) *Избранные экономические произведения.* Дж.М.Кейнс *Общая теория занятости, процента и денег.* – М.

Қарор (2021) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини табиий ва суюлтирилган газ билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 25 октябрдаги ПҚ-5267-сон қарори

Майбуров И.А. (2007) *Налоги и налогообложение: учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям; под ред. И.А.Майбурова.*-М.: юнити-дана, -655с.).

Нормурзаев У. Х. (2022) Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги: назария, методология ва амалиёт. 08.00. 07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент.

Нормурзаев У. Х.. (2023) Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. Т.: «IQTISODIYOT»- 242 бет. 8

Нормурзаев, У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари. *Iqtisodiyot Va Ta'lim*, 24(1), 334–339. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a51

Нормурзаев, У. (2023). Ўзбекистонда солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича таҳлил ва таклиф. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 1(7), 329–336. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss7-pp329-336>

Нормурзаев, У. (2024). Ўзбекистонда 2024 йилги солиқ қонунчилик ҳужжатларига киритилган асосий ўзгаришлар таҳлили. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 2(2), 522–531. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss2-pp522-531>

Нормурзаев, У. (2024). Ўзбекистонда солиқ сиёсатини такомиллаштиришда ҳудудлараро солиқ инспекцияси ўрни ва аҳамияти. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 2(4), 457–467. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss4-pp457-467>

Ситникова Ольга Владимировна (2012). Совершенствование налогообложения крупнейших консолидированных налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва.

Федоров Андрей Николаевич (2010). Налоговое администрирование и стимулирование инвестиционной активности крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Нижний Новгород.

Юнак Алексей Алевтинович (2009). Проблемы правового регулирования налогового контроля и учета крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат юридических наук. Москва с.12.